

ЎЗБЕКИСТОН УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛОВЧИ ХАЛҚАРО ИНДИКАТОРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Хомиджонов Умиджон Толибжонович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети таянч докторанти

Аннотация: *Мақолада инсон капиталини баҳолашнинг халқаро индикаторларнинг таълим сифатини ўлчовчи мезон сифатидаги аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёти ташкилоти томонидан ташкил этилган халқаро тадқиқотлар, шу жумладан PISA тестларининг инсон капиталини ривожлантиришида аҳамияти баён қилинган. Ўзбекистон Республикасида инсон капиталига сармоя киритишида таълим тизимининг ривожлантириши ҳамда халқаро глобал рейтингларда илгор мамлакатлар қаторига қўшилиши юзасидан амалга оширилаётган чора тадбирлар тавсифланган.*

Калит сўзлар: *индикатор, стратегия, инсон капитали, соғлиқни сақлаш, таълим, Глобал инновацион индекс, халқаро рейтинглар, PISA, PIRLS, TIMSS, мослашувчанлик, кўникма, компетенция.*

Маълумки, XXI – аср ахборот ва инфорацион технологиялар асри сифатида намоён бўлмоқда. Бу аср мутахасислардан олдинги даврдан фарқ қилувчи билим кўникма ва компетенцияларни талаб қилиши билан характерланади. XX-аср ва олдинги асрларда кўпроқ энциклопедик билим, кучли хотира ва ўз эгаллаб турган соҳасида кўпроқ маълумотларни билган ходимлар юқори кадрланган бўлса, назаримизда энди бу билимлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмай қолгандек. Чунки, бугун жаҳон интернет тармоғида онлайн энциклопедиялар, қидирув тизимлари, соҳалар бўйича мукамал онлайн маълумотлар базалари яратилганки, эндиликда бу каби маълумотларни эслаб қолиш шарт эмас. Замонавий дунё мутахасисларидан бу каби билимларни таҳлил қилиш, улардан янги маълумотларни ярата олиш яъни халқчил айтганда коса тагидаги ним косани кўра олиш компетенцияси кўпроқ шаклланганлиги муҳимроқ аҳамият касб эта бошлади. Иқтисодий Ҳамкорлик Тараққиёти Ташкилоти томонидан ташкил этилган халқаро тадқиқотлар шу жумладан PISA тестларини ўтказишдан мақсад эса худди шу каби ўзгаришларни таълим тизимида акс эттириш, мактаб ўқувчиларида ҳақиқий ҳаётда керак бўладиган билим ва компетенцияларни ривожлантириш реал воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ва улардан хулоса чиқариш, жамиятда мулоқатга киришиш кўникмаларини қай даражада эгалаётганлигини таълим тизимининг бу ўзгаришларга қанчалик мослашаётганлигини аниқлашдан иборат. PISAнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у соф билимни эмас, балки турли соҳаларда саводхонликни баҳолайди. Саводхонлик – ўқувчиларнинг асосий мавзулар бўйича билим ва кўникмаларни қўллаш қобилияти, турли вазиятларда

муаммоларни аниқлаш, талқин қилиш ва ҳал этишда самарали таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш ва мулоқот қилиш қобилияти” сифатида изоҳланади.

Дунёда таълим сифати, савияси ва даражасини аниқлаб берувчи индикатор сифатида “PISA” ҳамда (Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), PIRLS (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), TIMSS (Мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби қатор халқаро дастурларни эътироф этиш мумкин. Мазкур халқаро дастурлар ва индикаторлар ривожланган мамлакатларда таълим сифатини ошириш, инсон капиталини янада ривожлантиришдаги асосий мезон сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармонида Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб “PISA” Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакатлари қаторига киришига эришиш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Шунингдек мазкур ҳужжатда Халқ таълими тизимининг стратегик мақсадлари ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, яъни умумий ўрта таълим тизимида иқтисодийнинг инновацион ривожланиши, илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятини яратишдан иборат[1].

PISA инглизча (Program for International Student Assessment,- турли давлатларда 15 ёшли ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини (ўқиш, математика, табиий фанлар) ҳамда билимларини амалиётда қўллаш қобилиятини баҳоловчи дастур ҳисобланади.

Бу дастур ҳар уч йилда бир мартаба ўтказилади. PISA тадқиқотларида ўқувчи дастурни ўзлаштирганлиги эмас, балки билим ва кўникмаларни ҳаётда қай даражада қўллай олиши баҳоланади.

Дастлаб 1997 йилда ишлаб чиқилган ва 2000 йилда дунёда илк бор қўлланилган. Бу дастур бўйича ҳар уч йилда ўқувчиларни билимини баҳолаш мақсадида синовлар ўтказилади. PISA бўйича баҳонинг 50 балга ошиши ҳар йиллик ялпи ички маҳсулотнинг 1 % га ошишини таъминлайди. 1950 йилларда Иқтисодий Ҳамкорлик Тараққиёти Ташкилоти давлатлари томонидан турли таълим тизимларининг статистик маълумотларини юритиш ва таҳлил қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Мазкур статистиканинг юритишдан мақсад узоқ келажакни ўйлаган ҳолда саноат давлатларнинг таълимини режалаштириш орқали малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларни таъминлашдан иборат бўлган. Ушбу статистикани юритиш иқтисодий нуқтаи назардан қизиқишдан ташқари, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам аҳамиятли бўлиб, таълим олишда тенг ҳуқуқлилиқ масалаларини ҳам таҳлил қилиш учун керакли статистик маълумотларга эга бўлиш имкониятини беради[2]. ИҚТТ саноат давлатларининг иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ташкилоти ва бу ташкилотнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- иш ўринларини яратиш;
- иқтисодий ўсиш ва яшаш стандартларини ўсиши учун пул, молиявий ва иқтисодиётнинг соҳаларига оид иқтисодий сиёсат юргизиш;
- халқаро рақобатбардошликни бошқариш, айниқса, глобал ишлаб чиқариш ва савдо учун чегараларнинг очилиши жараёнида ҳукуматларга иқтисодий самарадорлик ва сифат тизимларини оширишга кўмаклашиш;
- таълим орқали инсон капитали ўсишини таъминлаш[3].

PISA дастури рейтингида юқори пағонани эгаллаган давлатлар мисолида шуни айтиш мумкинки, PISA баҳолаш тизими бўйича муаян мамлакатнинг энг юқори кўрсаткичга эга бўлган ўқувчиси билан энг паст кўрсаткичга эга ўқувчиси ўртасидаги тафовут камлигидадир. Таълим тараққиёти энг юқори бўлган Европа мамлакатлари гуруҳига кирувчи Германия замонавий мактаб таълимига ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-педагогик омилларнинг таъсири устун бўлган мамлакат сифатида баҳоланади.

Шундай бўлишига қарамасдан 2000 йилда Халқаро PISA тадқиқотларида иштирок этган Германиянинг натижалари бутун Германия ва халқаро ҳамжамятни Шок ҳолатга тушуриб қўйди. Сабаби Германия ушбу халқаро тадқиқотларда иштирок этган 32 мамлакат ичида бор йўғи 22 ўринни эгаллади[4].

Матни ўқиб тушуниш бўйича тадқиқотда қатнашган ўқувчиларнинг 42 % паст натижалар кўрсатган ва бу ҳолат PISA-шок деб номланди. PISA-2000 халқаро қиёсий тадқиқотлари Германия таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни рўйи рост очиб берди. Германия халқаро PISA баҳолаш дастурида паст натижа кўрсатганлиги сабаблари ўрганилганда, ушбу мамлакатда элита қатлам ва Германияга кейинги пайтда кўчиб келиб истиқомат қилаётган мигрант оилалар фарзандлари ўртасидаги билим савиясидаги фарқнинг юқори эканлиги маълум бўлди. Бу ҳолат мамлакатда ўқувчилар қайд этган натижалар аҳолининг ижтимоий келиб чиқишига энг катта боғлиқ эканлигидан далолат бериб турар эди. Германия ҳукумати таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш йўллариини излай бошлади ҳамда халқаро тадқиқот натижаларини яхшилаш ва умуман мамлакат миқёсида мактаб таълими сифатини ошириш юзасидан қатор зарурий чора тадбирларни амалга оширишга киришилди. Таълим соҳасида ўтказилган ислохатлар ўз мевасини бера бошлади. Натижада 2015 йилда ўтказилган PISA баҳолаш дастурида Германия 70та давлат орасида 16 ўринни банд этди[5].

Дунёда мактаб таълими соҳасида юқори ўринлардан бирида турувчи Финляндия таълим тизимининг энг таҳсинга сазовор жиҳати ҳам фанларни энг паст кўрсаткич билан ўзлаштирувчи ўқувчи билан энг юқори даражада ўзлаштирувчи ўқувчи ўртасидаги фарқ дунё бўйича энг камлигидадир. Масаланинг муҳим жиҳати шунда намоён бўладики, ҳар бир ўқувчи, оиласидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан қатъи назар, сифатли таълим тарбия олиши ва таълим соҳасида етарли муваффақиятга эришишини таъминлаш зарур. У пойтахт Тошкент шаҳрида

бўладими ёки Ўзбекистоннинг чекка тоғли ҳудудидаги мактабдами – барча ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун етарли даражада шарт шароит яратиш бериш керак. Акс ҳолда, бу нотенглик бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтириши мумкин. Бу каби муаммолар оқибатларини бартараф этиш учун эса бир эмас, бир неча авлод алмашинуви керак бўлиб қолади. Назаримизда мамлакатимиз таълим тизимини муваффақиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳам шу бўлиши керак.

Мамлакатимиздаги умумтаълим муассасалари индикаторлари ҳақида гапирганда қуйидаги жиҳатларга тўхталиб ўтиш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021йил 3 июндаги 345-сонли қарорининг

1-иловаси билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу низомга асосан мамлакатимизда умумий ўрта таълим муассалари рейтингини амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур ҳужжатга асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мамлакатимизда умумий ўрта таълим муассалари рейтингини ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур рейтинг натижалари қуйидаги индикатор ва кўрсаткичлар орқали аниқланади.

1. 11-синф битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида тўплаган баллари ва ўқишга тавсия этилган ўқувчилар салмоғи

2. Мактабдаги олий ва биринчи тоифали ўқитувчиларнинг улуши

3. Халқаро PISA тадқиқотлари методикаси асосида тайёрланган назорат синовлари натижалари

4. TALIS халқаро тадқиқот методикаси асосида ўтказиладиган сўровнома натижалари кўрсаткичи

5. Умумий ўрта таълим муассасаси ўқитувчиларининг чет тилини билиш даражаси

6. Ўрта таълим муассасасида маънавий –маърифий ва ўқув тарбиявий муҳит

Мазкур индикаторлар натижаларига кўра бугун мамлакатимиздаги мактаблар қизил, сариқ, яшил тоифага ажратиш чиқилмоқда. Унга кўра қизил тоифа мактабларда битирувчиларнинг ОТМга кириш кўрсаткичи ҳамда Олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар салмоғи ўта паст даражада бўлиб, бу мактабларга кўрсаткичларни яхшилаш учун шошилиш ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Сариқ тоифали мактабларда эса юқорида таъкидланган кўрсаткичлар қизил тоифага қараганда сал яхшироқ лекин талаб даражасида эмаслигини ва аҳвол қониқарсиз эканлигидан далолат беради.

Агар мактабларнинг 0% дан 10% гача битирувчилари Олий таълимга ўқишга кирса бу мактаб ушбу кўрсаткич бўйича қизил тоифали, битирувчи ўқувчиларнинг 10 % дан 30 % гача ОТМга кириши бу сариқ тоифали, 30 % юқори битирувчи ўқувчилар ОТМга ўқишга кирган тақдирда бу мактаб яшил тоифали мактаб сифатида баҳоланади.

Яшил тоифадаги мактабларда эса ҳолат иккала тоифадаги мактабга қараганда барқарор ва кўрсаткичлар яхши эканлигини билдиради. Халқ таълими вазирлиги мактабларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларни тоифасини ошириш орқали таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатишни режалаштирмоқда.

Худди шу мақсадда ўқитувчилар аттестацияси амалга оширилмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида ҳам тоифали ва яхши натижа кўрсатган педагогларга ойлик маошларини кўпайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572 сонли “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан мамлакатимизда таълим муассасаси ходимларини аттестациядан ўтказиш амалга оширилмоқда. Ундан кўзда тутилган асосий мақсад педагог кадрларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатида кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисослиги бўйича билимларини синовдан ўтказиш; педагог кадрларнинг ўз фанини билиши, фаолияти самарадорлиги, педагогик маҳорати, психологик тайёргарлигини ўрганиш ва ҳолисона баҳо бериш ҳамда уларни рағбатлантириш; мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларини юқори билим савиясига эга бўлган, истеъдодли ва иқтидорли педагог кадрлар билан тўлдиришдан иборат[6]. Мазкур қарорга асосан педагог кадрлар ҳар беш йилда бир марта навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилиши белгилаб қўйилган. Ўқитувчи аттестациядан жами 100 балл тўплаши мумкин. Ушбу аттестация натижалари қуйидаги индикаторлар орқали аниқланади.

➤ ўқитувчи ўз мутахассислик фани бўйича жами 40 та тест саволларига жавоб бериш илозим. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балгача берилади ва максимум 80 балл тўплаш имконияти яратилган.

➤ ўқитувчи яна максимум 20 баллгача меҳнат фаолияти давомида ўтказган маънавий маърифий тадбирлари, ўқувчиларининг фан олимпиадаларида эгаллаган ўрни, ўтказган очиқ дарслари, чоп этилган илмий мақолалари туфайли тўплаш имкониятига эга бўлади.

Фикримизни мантиқий давоми сифатида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ҳам таълим сифатини ошириш орқали инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илмий изланишларимиз натижасида Ўзбекистон Республикаси Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги экспертлари томонидан ўзимизнинг миллий таълим индикаторларини яратишда кўплаб ривожланган хориж мамлакатлари таълим тизимлари ва индикаторлари ўрганиб чиқилганлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан ривожланган хориж мамлакатларида умумтаълим муассасаларининг рейтинг кўрсаткичлари қайси индикаторлар ва мезонлар асосида ҳисоблаб чиқилишини ўрганганимизда қуйидаги жиҳатлар маълум бўлди. Жумладан рейтингни аниқлашда

умумтаълим фанларидан PISA тестлари асосида тузилган яъни ўқувчилар компетенциялари ва кўникмаларини реал ҳаётда қўллашга йўналтирилган тест натижалари асосий меъзон эканлиги аниқланди.

Халқаро тадқиқотларда қатнашиб, юқори натижалар қайд этиш билан биргаликда дунёдаги энг яхши таълим тизимига эга давлат сифатида тан олинган мамлакат бу Финландиядир. Мазкур мамлакат PISA дастури 2000 йилда ташкил этилгандан буён мунтазам равишда унда иштирок этиб эгаллаган натижалари билан бутун дунё тадқиқотчилари ҳайратига ва қизиқишига сабаб бўлмоқда. Жумладан 2000 йилда 32 мамлакат ичида учинчи ўринни, 2003 йилда эса 41 мамлакат орасида фахрли биринчи ўринни, 2006 йилда жами 56 мамлакат орасида яна биринчи ўринни эгалаганлиги ва бир неча йиллардан буён кучли бешликдан тушмай келаётганлиги, хусусан 2015 йилда 70 та мамлакат орасида 5 ўринни эгалаган Финландия давлати мувафақиятга эришиши сирлари бутун дунё афкор оммаси диққат марказида турганлиги ҳам аини ҳақиқатдир. Хўш Финландия мувафақиятларининг сири нимада? Ушбу давлат таълим тизимининг қандай ўзига хос жиҳатлари бор?

Биринчидан, мазкур давлат таълим тизимини ўрганишлар натижаси шундан далолат бермоқдаки, ушбу давлатдаги мактаб ўқув дастурлари ўқувчиларга берилаётган ҳар қандай билимларни амалиётга қачон, қандай ва қаерда қўллашни ўргатишга ва уларни эркин ва креатив фикрлашга ундашга йўналтирилганлигидадир.

Иккинчидан, мамлакат фан дастурларида ўзаро боғлиқлик жуда яхши йўлга қўйилган. Мисол учун бирор синфда география фанидан Европа мамлакатлари мавзуси ўтилса, худди шу haftaда биологиядан ҳам Европа қитъасида ўсувчи ўсимликлар, тарих фанидан ҳам Европа мамлакатлари тарихига оид мавзулар ўтилиб, шу мавзуга оид маълумотлар бериб борилади.

Учинчидан фин таълим ташкилотларининг мувафақиятга эришишидаги муҳим омил у ерда фаолият олиб борувчи ўқитувчиларнинг ўта билимли ва салоҳиятли эканлиги билан белгиланади. Чунки Финландияда ўқитувчилик касби билан шуғулланиш учун камида магистрлик даражаси талаб этилади.

Тўртинчидан Финландия фаолият кўрсатувчи мактаблар асосан давлат бюджетидан таъминланади. Хусусий мактаблар кўп эмас. Шунингдек мамлакат худудидаги барча мактабларда таълим сифати бир хил. Яъни бизни мамлакатимиздаги каби шаҳар марказидаги баъзи мактабларда таълим сифати яхшироқ чекка жойда жойлашган мактабларда таълим сифати пастроқ эмас. Шу нуқтаи назардан Финландияда энг яхши мактаб, бу турар жойига энг яқин жойлашган мактаб ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай мамлакатда таълим бу ҳаёт мамот масаласига айланмоқда. Чунки мамлакатни келажакдаги тараққиёти бугунги таълим сифати ва мазмунига узвий боғлиқ бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзияёв Янги Ўзбекистон мактаб

остонасидан бошланади деб бежизга таъкидлаб ўтмади. Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳаси ҳукумат эътиборида турган муҳим тармоққа айланди.

“2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг IV- йўналиши ҳам айнан Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантиришга бағишланган. Шунингдек, мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш, мактабда фаолият олиб бориши учун ҳар бир фан бўйича маҳаллий ёки халқаро сертификация талабларини белгилаш, халқ таълими тизими туман бўлинмалари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ҳисобига оптималлаштириш каби вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни сабот билан босқичма босқич амалга ошириш талаб этилади.

Бизда хали таълим соҳасида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Мамлакатда Финландия тажрибасини қўллаш мамлакат бўйича барча мактабларда бир хил сифатли таълим бериш даражасига эришиш лозим.

Фикримизча юртимизда ҳар қандай таълим шаклидан кўзланган мақсад ўқувчини меҳнат бозорига тайёрлашдан иборат бўлиши керак. Таълимда ҳаммага бир хил фикр бериб бир хил ўргатиш нотўғри бўлади. Ҳар бир талаба ёки ўқувчи алоҳида олам ҳар бирида алоҳида қобилият мавжуд. Шу сабабдан ўқитувчи ҳар бир ўқувчи ва талабага индивидуал ёндошиб, унинг қобилиятларини кашф этиши зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4312785>

2. А. М. Маткаримов “Pisa” халқаро ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш тадқиқотининг ривожланиш босқичлари, мақсад ва вазифалари Рамонавий таълим / Современное образование 2020, 8 (93) 54-бет

3. М. Маткаримов “Pisa” халқаро ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш тадқиқотининг ривожланиш босқичлари, мақсад ва вазифалари Рамонавий таълим / Современное образование 2020, 8 (93) 54-бет

4. PISA 2000: Overview of the Study (OECD)

5. OECD, PISA 2015 Database

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572 сонли “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/5260791>